

ТОШКЕНТ

ИЖТИМОЙ-СИЁСII ОҚИШОМИ

ШАХАР РЎЗНОМАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 7 (7.396)

1991 йил 10 январь, пайшанба

Баҳоси 8 тийин

Меҳнат жамоаларида



АҲИЛЛИК БОР ЖОЙДА

ШАҲРИМИЗДАГИ қадоқлаш ва жойлаш тажриба-конструкторлик бюроси ишчи ва хизматчилари ўтган йилни самарали якунладилар. Корхона бўлим бошлиғи Леонид Михайлович Грушинский бизни бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури билан таништирди.

— Корхонамизда ўтган йилги бир неча турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ўзлаштирдик. Жумладан, қадоқлаш учун ишлатиладиган ускуналарни тажриба нусхаси тайёрланди. Уларни ташмирлашда қўлланиладиган бўёқ материалларини махсус идишларга жойловчи линиялар ишга туширилди. Шунингдек, бўёқлар ва ювиш воситаларини қуювчи — тақсимловчи автоматлар ишлаб чиқаришдан ўрин олди. Янги техника шарофати билан корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати анча ошди. Умумдорлик сезиларли даражада ўсди. Ишчи ва хизматчиларнинг меҳнати енгиллашиб ойлик маоши ортди. Шунинг учун ҳам техникани ташмирлаш, эскиларини янгисини билан алмаштириш ишга кенг эътибор берилмоқда.

Корхона маҳсулотлари бугунги кунда фақат жумҳуриятимиздагина эмас, балки қардош жумҳуриятларда ҳам маълум ва машҳурдир. Шунингдек, корхона Ўзбекистоннинг турли минтақаларида жойлашган ман-

ший химия заводларига буюртма бўйича қурилма-лар ҳам тайёрлаб жўнатамоқда. Масалан, бу борада Олмалиқ химия заводи учун махсус тайёрлаб жўнатиладиган маҳсулотларни қўйиб-тақсимловчи иккита қурилмани айтиб ўтиш мумкин.

Хозир Чирчиқдаги химия саноати ишлаб чиқариш бирлашмасида бюроси мутахассислари томонидан минерал ўғитларни қадоқлашда қўлланиладиган линия сингондан ўтказилмоқда. Бу йил Польша Халқ Республикасига атторлик — косметик маҳсулотларни қадоқлаш ва жойлашда ишлатиладиган 5 та линия жўнатиш учун буюртма қабул қилинди.

Биз корхонада ишчилар учун яратилган шароитлар билан ҳам қўнғидик.

— Бу нарсаси маъмурият ва касабга уюшмасиз диққат марказидан тўшмай келаётми, — дейди бизга хассиса фаолиятдан бири Ю. Филимонов. — Корхонамиз ўз ошқонаси ва сабабот маҳсулотлари билан савдо қилувчи дўконига эга. Ҳар бир цехда дам олиш хонаси мавжуд. Тушликдан сўнг хоҳлаган киши кириб хордиқ чиқариши, шахмат-шашка ўйнаши мумкин.

Корхона ишчилари ўртасида ўзаро социалистик мусобақа уюштирилган. Ғолиблар ҳар ойда, кварталда аниқлаб борилади. Уларга белгилан-



ган миқдорда пул мукофотлари топирилади. Шунингдек, ишчи ва хизматчиларнинг йиллик дам олишлари-ни қўнғили ўтказиш учун касабга уюшмаси яхши ғам-хўрлик кўрсатмоқда. Меҳнат илгорларига вақти-вақти билан Иттифоқимизнинг турли даволаш масканлари-га йўлланмалар бериб турилади. Гуруҳлар учун эса туристик сафарлар ташкил этилади. Улар ватанимиз ва жумҳуриятимизнинг турли шаҳарларида бўлиб қайт-шади.

Корхонада бир неча мил-лат вакиллари ишлашади. Биз уларни қим қайси мил-латга мансуб эканлигини са-наб ўтирмай ўзбек йигити Ш. Иброҳимовнинг рус би-родари Н. Кузнецовга, укр-раин Д. Бондаренкога қоз-чи С. Бенашовага му-раббийлик қилаётганини тилга олишимизнинг ўзи бу ерда барча ишчи ва хиз-матчилар миллат ва эла-тидан қатъи назар бир-бирлари билан қардош ва жондош бўлиб кетганини исботлаб турибди.

СУРАТЛАРДА: токарь Н. Легчалов ўзига топирил-ган юмушларни ҳашиша сиддиқидан адо этади; чи-лангарлар Ю. Филимонов ва П. Сас иш устида; ме-бель тайёрлаш ва уларни таъмирлаш участкаси иш-чилари Р. Худойбергенов-нинг номини ҳурмат билан тилга оладилар. Чунки унинг З. Рискүлов ва Ж. Ҳамро-хўжаев синағари шоғирдари жуда кўп.

У. Усмонов сураглари.

ОЛИЙ КЕНГАШ ЯНА ИШГА ТУШДИ

ТАССНИНГ ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРЛАРИ КРЕМЛДАН ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

Мамлакат янги йилга бирин-чи марта Давлат режиси ва бюджетисиз қадам қўйди. Бунинг сабаби—Иттифоқ пар-ламенти ишдаги камчиликлар эмас. Қонуни чиқарувчилар ақинда Федерация кенгаши-нинг мажлисида 1991 йилда халқ ҳўжалиги алоқаларини барқарорлаштириш тўғрисида жумҳуриятларо битимга эришилгандан сўнггина аҳвол-ни ўнглаш имкониятига эга бўлдилар.

8 январь кунини ўз ичига яна бошлаган СССР Олий Кенга-ши тўртинчи сессиясининг асо-сий вазифаси ушбу йил учун СССР Давлат режиси ва бю-джетини қўриб чиқиш ва қабул қилишдан иборат. СССР Олий Кенгаши Раиси А. И. Лукья-нов таъкидлаганидек, парла-мент аъзолари ана шу ва бош-қа масалаларни СССР халқ де-путатлари тўртинчи сездан-нинг халқ унутилмаган изидан бориб, янги вақт ичиде хал қилишлари лозим. У парла-мент сессияси анча янгиликлар тарихида бошлаганига эътиборини қаратиб, биринчи иш йилининг энг яхши тажри-баларидан фойдаланилади, деб ўмид қилди, депутатларни

амалий тусда ишлашга даъват этди. СССР Олий Кенгашининг Раиси халқ депутатларининг ақинда бўлиб ўтган сездни якунларига батафсил тўхталиб, гап пухта ўйлаб баҳо бериш-ни талаб қиладиган, жамиятда муҳим барқарорлаштирувчи роль ўйнаган воқеа ҳақида бо-раватганини таъкидлади. А. И. Лукьяновнинг гапларига қа-раганда (у сезд қарорларни «юмшоқ аксиниқилиб» ва ўнгла бурлиш деб тақин қилишга мўлқоқ қўшилмади), сезд масъулият ва амалий-лик, тотувликка интилиш би-лий ажралиб турди. Нотиқнинг фикрича, иттифоқ давлат хо-кимияти олий идорасининг қарорлари бутун қонунийлик феолиятига асос бўлиши ло-зим. Олий Кенгаш Раиси сезднинг иттифоқ қонуни-рига эид бўлмаган жумҳу-рият қонунарига ҳақиқий ҳисобланши тўғрисидаги қе-рорини алоҳида кўрсатиб ў-тирди. Парламент бошлиғи ушбу жўхатни «қонуналар урушига чек қўйишнинг бошланиши» деб атаб бундай деди: энди-ликда, чамаси, бошланаётган

бюджетлер урушини ҳам тўх-татадиган вақт келди. А. И. Лукьянов сессиянинг яқин ҳафтадаги иш тар-тиби тўғрисида гапириб, режа ва бюджет қабул қилинган-дан кейинқоқ аҳолини иш би-лан таъминлаш тўғрисидаги СССР қонуни асосларини дастлабки тарзда муҳокама қилиш ва маълумлаш зару-рилигини таъкидлади. Бу, деди у, жуда катта аҳамиятга мо-лик ҳужжат, одамларнинг қо-лажаси ишончи масаласидир. Бундан ташқари тўртинчи сес-сияда ССР Иттифоқини сақлаб қолиш тўғрисида ва ерга ху-сусий мулкчилик ҳақида умум-иттифоқ референдумларини ўтказиш вақти белгиланиши ке-рак. СССР Олий Кенгашининг Раиси депутатлар парла-мент аъзоларининг През-идент ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси аъзоларига номзо-ларни тасдиқлашга туриб та-тилга тарқаб кетишларига ҳа-қиқ қўй, деган фикрига қўшил-ди. Сессияда Форс кўрғазидеги вазият ҳамда никига халқ-аро конвенцияни тасдиқлаш тўғрисида СССР Ташқи ишлар вазирлигининг ахбороти ҳам эшитилади.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ПУХТА БОШҚАРИЛСИН

Ўзбекистон ССЖ Прези-денти Н. А. Каримов жум-ҳурият деҳқончилик-саноат мажмуини бошқариш стру-ктурасини тақомиллаштириш масалаларига бағишланган Кенгаш ўтказди.

Кенгашда партия ва со-вет ҳодимлари, деҳқончи-лик-саноат мажмуини бош-қариш вазирликлари ва идора-ларнинг раҳбарлари, олим-лар, жумҳуриятдаги бир қанча колхоз ва совхозлар

нинг раҳбарлари иштирок этидилар. Бозор иқтисодиётига ўти-лиши, қишлоқ хўжалигида ва қайта ишлаш тармоқла-рида меҳнатни ташкил этиш-нинг янги, пудрат усулла-ри кенг жорий этилиши му-носабати билан деҳқончи-лик-саноат мажмуини бош-қариш идораларининг тузили-шини ўзгартириш зарур бў-либ қолди. Жумладан, жум-ҳурият Президентининг Ўз-

бекистон ССЖ қишлоқ хўжа-лиги давлат-кооператив қў-митасини қайта ташкил этиб, қишлоқ хўжалиги вазирлиги-га айлантириш тўғрисидаги фармони шу туфайли юза-га келди.

Кенгашда қишлоқ хўжали-гини ва қайта ишлаш тар-моқларини бошқаришнинг янги схемаси кўриб чиқилди. Кенгаш ишида Ўзбекистон ССЖ вице-Президенти Ш. Р. Мирсаидов, Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Ва-зирлар маҳкамаси раиси-нинг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков қатнашди-лар.

(ЎзТАГ).

ТО Бугунги кун нафаси

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА

Самарқанд вилояти Пастдаргом ноҳиясидаги Ленин номили пахтаканчи давлат хўжалигининг касабга уюшмаси қў-митаси меҳнатни муҳофаза қилишда эришган ютуқлари учун ССЖИ касабга уюшмалари федерациясининг дипломи билан тақдирланди. Кейинги беш йил мобайнида бу ерда ишлаб чиқаришда бирорта одам ҳам жараҳатланмади.

Сурхондарё вилоятида 20,4 минг тонна хом ашё сиға-диган ғалла омбори фойдаланишга топширилди.

МАМЛАКАТИМИЗДА

9 январда ССЖИ Президенти М. С. Горбачев давлат саноат корхоналари директорлари кенгаши аъзолари учун учрашди. Унда ишда барқарорлиқни, шартнома мажбурият-лари баҳарлирилиш таъминлаш масалалари муҳокама этил-ди.

Таниқли америкалик иқтисодчи, фалсафа фанлари до-ктори Чан Ян Бэнг Қозоғистон Президенти Н. Назарбаев бо-шичили қилаётган иқтисодий эксперт қўмитаси раиси ўринбо-сари лавозимини эгаллайди.

Грузия Олий Кенгаши ССЖИ Президентининг ушбу жумҳуриятда аҳволни барқарорлаштиришга қаратилган фар-монини мустақил давлат ички ишларига қўпол аралашуши, унинг ҳудудий ахиллигига раҳна солиш, деб баҳолади.

Қозоғистон ССЖ Фуқаро мудофаси штабиде етти кишидан иборат экстрасенслар гуруҳи ташкил этилди. Эндиликда уларнинг қароматлари дарҳол сейсмология стан-цияси маълумотлари билан солиштириб турилади.

ХОРИЖДА

«Вашингтон таймс» рўзномасининг хабар беришича, Ироқда давлат тўнтаришининг олди олинди. Хабар қилишлар-ича, ҳарбийлар мамлакат президенти Садам Хусейнин эгаллаб турган лавозимидан ағдаришга ўриниб кўрганлар.

Ироқ ва Эрон ўз қўшинларини саккиз йиллик уруш мобайнида эгаллаган ҳудудлардан ўз мамлакатлари чегара-сига қайтарниш тўғрисида битимга келдилар.

Бугунги кун нафаси



ГРЕК ЁШЛАРИ—ТОШКЕНТДА

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ОЛИЙ ВА УРГА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИНИНГ ЧЕТ МАМ-ЛАКАТЛАР БИЛАН АЛОҚАСИ КЕНГАЙИБ БОРМОҚДА.

Вазирлик ҳузурида «Ўзин-теробозование» бирлашмаси тузилиши билан бу борада-ги феолият янада жонланмо-кетди.

Ўтган қисқа вақт ичиде янги бирлашма дастлабки дадил қадамларни қўйди. Унинг ташаббуси билан хо-риждан Ўзбекистонга келиб ўқиш истегини билдирган чет эллик ёшларни қабул қи-лиш режалари ҳам тасдиқ-ланди. Қўзда тутилган бун-дай тадбирлардан ақинда яна бири амалга ошди.

Грециядаги «Совет ста-ди интернейшнл» фирмаси билан тузилган алоқа шарт-номасига биноан бир гуруҳ грек ёшлари Тошкентга кел-дилар. Улар Тошкент дав-лат тиббиёт ҳамда Политех-ника илмгоҳларига ўқишга қабул қилиндилар.

Бу толиб илмларини ўқи-ши ва истиқомат қилиши учун барча шароитлар му-ҳайё этилди. Янги ўқув йи-лаида яна кўпгина грек ёш-ларини Ўзбекистон ўз ба-ғрига олади.

А. АКБАРОВ.

Ибратли тадбир

БУГУНГИ КУНДА КАТОР МУСИҚА БИЛИМ ДАРГОҲЛА-РИДА ИҚТИДОРИЙ ҲУҚУЧИ-ЛАР БИЛАН ЯҚИНДАН ИШ ОЛИБ БОРИШ ЙЎЛИДА ИБ-РАТЛИ ТАДБИРЛАР ҚУРИЛ-МОҚДА.

Жумладан, Тошкентдаги 4-бўлақар мусиқа мактабиде бу борада «маълум яхши тажрибалар орттирилади. Бу ибратли иш паҳримиз-даги 27-мартда мусиқа дарсларини ўтказишда жуда кўл келди. «Хорольфеджо-сив», «Усул» ва рақслар, «Бадий» меҳмон» иш янги предметидаги ўқитишга ки-ришилган нур устига аъло нур бўлди.

Эндиликда қоқорида но-млари айтиб ўтилган бу пред-метлардан дарс берувчи ўқи-тувчи кадрларни тайёрлаш масаласи долзарб бўлиб қол-ди. Бунини инобатга олиб Тошкентдаги бадий илм-гоҳлар мураббий мутахассис-лар тайёрлаш тадбирларини қурдилар. Тошкент театр ва рассомчилик санъати ҳам-да Маданият илмгоҳлари «Театр ўғиллари асослари», «Хореография», «Замонавий балет раиси» бўйича педа-гогларни етказиб беришга киришди.

А. АЛИЕВ.

С. ОЧИЛОВА.

КўРГАЗМАДА ЯНГИ ЭКСПОЗИЦИЯ

ОРОЛ МУАММОСИ КА-ТА ИЖТИМОЙ МАСАЛАЛАР-ДАН БИРИ СИФАТИДА КУП-ЧИЛИКНИ ТАШВИШГА СОЛ-МОҚДА.

Бу муҳим мавзу сифатида рассомлар эътиборини ҳам ўзига тортимоқда. Жумла-дан, муайянал соҳибон Б. Су-тенков яратган янги картина-ларда Орол фонисига доир қатор кўринишлар ўз ба-дий ифодасини топди.

«Орол қайгулари» деб аталган бу туркум асарлар ақинда Ўзбекистон ССЖ Давлат санъат музейи фон-дидан ўрин олди. Шу билан бирга яна қатор икдорлар музейга энг яхши картина-ларни тортиқ қилдилар. Бу икдор намуналари орасида анварель ва график расм-лар ҳам анчагина.

А. АЛИЕВ.

ШИША ИДИШЛАРИНИНГ НАРХИ ОШИДИ

Шаҳар савдо бош бошқар-масидан маълум қилишлари-ча бугундан бошлаб сав-до шохобчаларида факат ўзимизда ишлаб чиқарилган шиша идишларнинг нархи ош-ди. 0,25 ва 0,33 литр ҳақиқий шиша ва бане-идишлар 10 тийин, 0,5 литр ҳақиқдан 1 литр ҳақиқига бўлган бане-идишлар 30 тийин, 0,5 литр ҳақиқдан 1 литр ҳақиқига бўлган бане-идишлар 50 тийин, 2 литр ҳақиқдан 3 литр ҳақиқига бўлган бане-идишлар 70 тийин, 3 литр ҳақиқдан 5 литр ҳақиқига бўлган бане-идишлар 90 тийин, 5 литр ҳақиқдан ортин бўлган бане-идишлар сўм 20 тийиндан қабул қилинади.

ин, 0,5 литр ҳақиқдан 1 литр ҳақиқига бўлган бане-идишлар 30 тийин, 1 литр ҳақиқдан 2 литр ҳақиқига бўлган бане-идишлар 50 тийин, 2 литр ҳақиқдан 3 литр ҳақиқига бўлган бане-идишлар 70 тийин, 3 литр ҳақиқдан 5 литр ҳақиқига бўлган бане-идишлар 90 тийин, 5 литр ҳақиқдан ортин бўлган бане-идишлар сўм 20 тийиндан қабул қилинади.

Ўзбекистон Компартияси XXII съезди қарорлари—ҳаётга!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯ-СИНИНГ XXII СЪЕЗДИ ИККАЛА БОСКИ-ЧИДА ИШТИРОК ЭТГАН ДЕЛЕГАТЛАР ИЧИДА «ЧЕВАР» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИР-ЛАШМАСИ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ҚОТИБИ АҚМАЛ ИКОМОВ НОҲИЯСИ КЕНГАШИ ХАЛҚ ДЕПУТАТИ ЗУХРА ТУРПОЕВА ХАМ БОР. ЯНИҚСА, СЪЕЗДАДА УСТАВДАГИ ПАРТИЯ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ПАРТИЯНИНГ МУҲИМ ХУЖОКАТЛАРИ ҲАҚИДА УНИНГ ДЕЛЕГАТ СИФАТИДАГИ ФИКРИ БИЛАН ЎРТОҚЛАШ-ДИ.

— Зухра она, ҳам делегат, ҳам аёл — депутат сифатида анкумандан олган таассуротларингизни биласиз?

— Ўзбекистон Компартияси XXII съез-ди бошқа анкуманданлардан ақирлиб тура-ди. Унинг иккинчи босқинида гоит му-ҳим қарор ва ҳужжатлар — Ўзбекистон Компартияси Устави ва Ҳаракат дасту-рининг қабул қилиниши, натижада Ўз-бекистон Компартиясини мустақил жум-ҳуриятнинг ҳумрон партиясини сифатида узиб-кесил шаклланиган барча делегат-лар қатори менга ҳам жуда манзур бўл-ди. Яйниқса, съездда Уставдаги партия сафини ўз ихтиёри билан тарк этган коммунистларни қайта қабул қилиш ҳақидаги фикрнинг тасдиқланиши ҳам менимча, партиянинг кишиларга ғам-хўр раҳнамоллигидан, унинг нуфузи ор-тиб, обрўйи мустаҳкамланаётганидан далолатдир. Ўша коммунистларнинг партия йўлининг тўғри эканини тушу-ниб этиб, унинг раънақига умид боғлаб, партия сабига қайтаётганларига съезд-да ҳам катта ишонч билдирилди.

Ўзбекистон Компартияси Уставида Тошкент шаҳар партия ташкилотига вилоят партия ташкилотини ҳуқуқи бе-риллиш қайд қилинганлиги ҳам муҳим нуқта бўлди.

Жумҳуриятимиз Компартиясининг бугунги нуфузи съезд бошидан то

охирига қадар Ўзбекистон Коммунисти-к партиясининг обрў-эътибори, унинг ма-вқеи бошқа жумҳуриятларга нисбатан анчагина юқори эканлиги аён бўлди. Чунки, ҳозирги мураккаб вазиятда, бозор иқтисодиётига ўтишдек қийин шароитда жумҳуриятимиз Президенти ва Ўзбекистон Компартияси биргаликда халқ манфаати йўлида, фаровонлиги-миз, оёйишталлигимиз йўлида қилаёт-ган ҳаракатлари, шунингдек, миллий урф-одатларимизни эъзолаган ҳолда уларни янада раънақ топтириш йўлида

охирига қадар Ўзбекистон Коммунисти-к партиясининг обрў-эътибори, унинг ма-вқеи бошқа жумҳуриятларга нисбатан анчагина юқори эканлиги аён бўлди.

— Ўзбекистон Компартияси XXII съез-ди бошқа анкуманданлардан ақирлиб тура-ди. Унинг иккинчи босқинида гоит му-ҳим қарор ва ҳужжатлар — Ўзбекистон Компартияси Устави ва Ҳаракат дасту-рининг қабул қилиниши, натижада Ўз-бекистон Компартиясини мустақил жум-ҳуриятнинг ҳумрон партиясини сифатида узиб-кесил шаклланиган барча делегат-лар қатори менга ҳам жуда манзур бўл-ди. Яйниқса, съездда Уставдаги партия сафини ўз ихтиёри билан тарк этган коммунистларни қайта қабул қилиш ҳақидаги фикрнинг тасдиқланиши ҳам менимча, партиянинг кишиларга ғам-хўр раҳнамоллигидан, унинг нуфузи ор-тиб, обрўйи мустаҳкамланаётганидан далолатдир. Ўша коммунистларнинг партия йўлининг тўғри эканини тушу-ниб этиб, унинг раънақига умид боғлаб, партия сабига қайтаётганларига съезд-да ҳам катта ишонч билдирилди.

— Ишчи аёллар меҳнати ва турму-ши билан боғлиқ яна қандай бошқа муаммолар ҳал этилганлиги?

— Бирлашмада меҳнат қилаётган 3 мингдан анд чеварларнинг 220 на-фари коммунист. Бу ҳам ўз навбатида

ДАВР ТАҚОЗОСИ

амалга ошираётган ишлари тахсинга са-зорор бўлмоқда. Бунга биргина мисол, бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан барча турдаги озиқ-овиқат маҳ-сулотининг ичидан ўзбек халқи учун ай-ниқса бебаҳо неъмат бўлган кон ва ун маҳсулотларининг нархи ошмаслиги ҳақидаги қарор нафақат ўзбек милла-ти балки Ўзбекистонда истиқомат қи-лаётган барча миллат вакиллари-ни ҳам чексиз қувонтирди.

Айниқса, бу — бизнинг ўзбек хоти-н-кишлар ишлаётган «Чевар» ишлаб чи-қариш бирлашмаси жамоаси учун ҳам шодна хабар бўлди. Бу билан тўй-хашами, маросими кўп ўзбек аёлнинг битта ҳаётини муаммоси ечим топган-дек бўлди.

— Ишчи аёллар меҳнати ва турму-ши билан боғлиқ яна қандай бошқа муаммолар ҳал этилганлиги?

— Бирлашмада меҳнат қилаётган 3 мингдан анд чеварларнинг 220 на-фари коммунист. Бу ҳам ўз навбатида

иратини учун иштирокчилар. Бунинг учун бирлашма ҳудудиде махсус савдо дў-кончалари, сабабот дўқони ҳамда со-ломлаштириш комплекс мавжуд. Бу ерда аёллар ишдан сўнг мазмуни ҳор-диқ чиқаришда, саломатликларини тик-лашда, шунингдек, бирлашма йотида 280 ўринли болалар боғчаси бўлиб, унда тикувчи аёлларнинг жамки фар-зандлари тарбияланишади.

Бирлашмада асосан аёллар қўйлаги, халатлар, янги турлиган чақалоқлар учун кийим-бош ҳамда чойшоб ва ёстиқ-жикди каби маҳсулотлар тикилади. Бундан ташқари бирлашмада уйга иш олиб ишловчи аёлларимиз ҳам кўпчи-лини ташкил этади. Бу аёллар уйда-лида миллий боссам туи ва чопонлар тикиш билан машғул бўлишади. Мана шу хайри инсоний йўлга қўйилиши ту-файли шаҳримизнинг кўпчилиги ноҳия-ларидеги хонадонларидеги беш ўтирган аёлларимизни ишга жалб қилиш имко-ни туғилди. Шу ҳақда коммунистлар ан-

жуманида ҳам анчагина муҳим гаплар айтилди. Ўтган йил бирлашмаимиз коммунист-лар сафи атиги 6 нафарга ортди, хо-лос. Партия сафини киришни хоҳловчи аёл-ларимиз кўпчилини, бирок юқорида ай-тганимиздек, шартон тақозоси билан улар савфимиздан қолиб кетишмапти. Шунинг-дек, корхонамизда илгор жамоатчи фаол коммунистларимиз ҳам йўл эмас. Қарийб ўн йилдан буён қўйлақлар тикила-диган цехда бошланғич партия ташки-лотига раҳбарлик қилиб келаётган Ши-рин Ҳанимова, бичиш цехи етакчиси Доно Раҳимова, чақалоқлар учун ки-йим-бош тикиш цехи ишчиси Зоя Дан-ная, уйга иш олиб ишловчи Рихис Во-зорбоевалар шулар жумласидандир. Улар аёлларимизни бир-биридан кўркам кийим-бошлар билан таъмин этишдек олиқанош ишга бел боғлашган.

Мен съезддан қайтган, бирлашма коммунистларига анкуманде кўтарила-ган энг муҳим масалалар хусусида, ишчи аёлларнинг бугунги дарди, ташвини, унни ўлганитрайтган муаммолар ҳақида сўз юришганлиги хусусида таъкир-бердим. Корхонамиз коммунистлари ҳам Президентимизнинг Ўзбекистон Ком-партиясини билан ҳамкорликда иш юри-таётганини маълумлаб, кўп болал ои-ла-ларга яратилган имтиёзлар тўғриси-да тўлқинланиб сўзланди. Меҳнаткаш аёл тўғрисида ҳамхўрлик қилиш бош-ланғич партия ташкилотларининг асо-сий вазифаси, давр тақозоси эканлиги айтилди.

Шу йилгида бирлашма коммунист-лари ҳам Ўзбекистон Коммунист пар-тияси Устави ва Ҳаракат дастури асо-сида ўз ташкилотимизнинг йўлини аниқ белгилаб олишимиз зарур, деган ҳуло-сага келишди.

Суҳбатдош З

ОДОБНОМА

— Муфтий ҳазратлари, умид билан айтаманки, Сиз билан ахлоқ-одоб ва инсондаги кўпал яхши фазилатлар ҳақидаги суҳбатимиз дилқас, шу билан бирга мазмун-мақсадли ҳам бўлади. Шундай экан, мулоқотимизни ақл-заковатдан бошласак, бу неъмат Ер юзиде фазилат инсонга ато этилган. Сиз инсон ақл-заковатини нима деб таърифлаб, унга қандай баҳо берасиз?

— Бисмиллаҳир роҳманир роҳим. Аллоҳ таоло инсонга берган неъматлари ичида энг улуғи ақлдир. Ақл одам боласининг Ер юзиде Аллоҳнинг халифаси бўлишига сабаб бўлган нарсалардан биридир. Агар ақл бўлмаса Аллоҳ ўз таълимотларини ҳам туширмасди, ундан шариат аҳкомларига амал этишни тақдир ҳам қилмасди. Ақл сузи арабча бўлиб — боғлаш, тутти туриш маъноларини аниқлаш. Яъни ақл ўз эгасини ёмонлик, зарари ишлардан тўғри туради. Ақл билан худонинг топади, дейди халқимиз. Аллоҳ таоло ўзини таниш учун ҳам ақлни ишлатишга даъват қилган. Ақлни ўз жойида ишлатиш, ундан инсон бахт-саодати йўлида фойдаланиш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир. Бу улкан неъматни ёвузлик, ёмонлик йўлида ишлатиш эса ношукрлик бўлиб, ҳам бу дунёда ва ҳам у дунёда катта бахtsizликка сабаб бўлади.

— Дунёда жамъини нарсаси: Ер ва осмон, ҳаёт ва ўлим, кеча ва кундуз, ширин ва аччиқ, ҳайвоноти жумҳури билан яратилган каби, яхшилик ва ёмонлик ҳам доим одамлар ўртасида содир бўлиб туради. Яхшиликка тегишадиган бошқа аъмолу-омил йўл. Унга амал қилишга ақл-заковатнинг нуқдоти етадими? Айтинг-чи, энг ақил зотлар ҳам баъзида нега яхшилик йўлидан тўйиб, нодонларча гуноҳ қилиб қўядилар?

— Тўғри, яхшилик жуда ҳам яхши амал. Инсон доимо яхшилик ишларини қилиб юрса, ҳам бу дунё ва ҳам у дунё саодатига эга бўлади. Лекин яхшилик нима, қайси ишлар яхши-ю ва қайсини-си яхши эмас эканлигини ажратиш оқилона мушкул иш. Аввал айтиб ўтганимиздек, ақл улкан неъмат, оқини қорандан, яхшини ёмондан ажратишда инсонга хизмат қилади. Лекин инсоннинг барча куч-қуввати ва имкониятлари некландир. Мисол учун, кўл билан маълум оғирлиқни кўтаришда, ундан ошса кучи етмайди. Кўзи ҳам маълум узоқликкача кўради, кўлоғи ҳам маълум даражагача эшитади ва ҳоказо. Шунингдек, ақл ҳам маълум даражагача ишлайди-да, нолганига оқиллик қилиб қолдиш мумкин.

Ҳозир ҳамма ақлни ишлатиб ҳаракат қилмоқда, давлатлар улкан ақл оғалари ишторикида дастурлар қабул қилмоқда. Лекин ҳар бир давлатнинг дастури бошқанидан фарқ қилади. Кўпгина ёмонликларни қонун билан ман қилишга қодир бўлишга олмаётганлар. Арабни олайлик, ҳамма уни ёмонлайди, лекин бирор-бир ман қилишни ҳоҳламайди. Гарб давлатларининг баъзиларида арабни кичик эришча уйдатишга рухсат берилган. Бунга ўхшаш «ақил» ҳукм ва қўрсатмалар жуда ҳам кўп.

Аллоҳ таоло бандаларига, шариат қилиш, уларга ники дунёнинг бахтига эришиш йўлини кўрсатишни ҳам ўз масъулиятига олган. Бунинг учун уларга вақтга, жамъиянинг ривожига мослаб ўз қўрсатмалари тўламини юбориб турган, бу дин деб аталади. Инсоний қамолотга дунёда Аллоҳ ўзининг мукаммал — бекам кўст дини, Исроил, охири пайғамбари Мухаммад алайҳиссаломга юборган.

Шу билан бирга, инсон (арабча «инс» — унутти суздан олинган бўлиб) гоҳ-гоҳида унутиб, баъзи хатога йўл қўйиш мумкин. Беайб парвардигор. Бизнинг муқаддас динимиз бундай ҳолатларда таваб эшигини очиб қўйган. Киши хатосини тан олиб, таваб қилса, Аллоҳдан гуноҳини кечирини сўраса, қилганига астойдил пушаймон бўлса ва ушбу хатони яна қайтиб қилмаса гуноҳи кечирилади. Сиз айтиб ўтган «нодон»ларча гуноҳ қилиб қўйиш ушбу алфозда юзага келади. Лекин, энг ёмони яхшиликни бутунлай унутиб ёмонликни касб қилиб олиш дахшадир.

— Яхшилик аъмолу-омиллари нима-ларда ўз ифодасини топади?

— Яхшилик — яхшиларнинг қилган ишларида ўз ифодасини топади. Қўрьони карим заррача яхшилик қилган бўлса ҳам, инсон у дунёда акрини қўришни таъкидлаб айтиди. Ҳозир кишилар ўзига шахсий фойда қилганига яхшилик қилишга ўрганиб қўйилган. Бўлмаса қилишмайди. Исроилда эса яхшиликни Аллоҳнинг розилигини топиш учун қилинади. Яхшиликнинг катта-кичиги ҳам бўлмайди. Пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссалом «Яримта хурмо билан бўлса ҳам дўзахдан сақланган», деганлар. Яъни яримта хурмо бўлса ҳам садақа, хайр-эхсон қилиб борсангиз дўзахдан узоқласангиз деганлар. Муҳтарам кишиларга таом бериш, баъзи қўшимча ибодатлардан ҳам устун туради. Яхшилик турлари кўп, айнан қайси тури яхши, деган савол бўлса, жа-

мъиятимизда қайсинисига эҳтиёж кўп бўлса ушаниси аъло дейилади.

— Инсон — ҳаётнинг гултожи, дей-миз, шу буюк инсондаги энг гузал хис-лат-фазилатлар нималардан иборат?

— Инсон Аллоҳнинг Ер юзидеги халифаси, Аллоҳ дунёдаги барча нарсаларни унинг фойдаси учун яратган. Мана шу улкан неъматларга шукр қилиб юриш инсондаги энг улкан фазилатдир. Бу эса неъмат берувчи зот — Аллоҳга тили билан шукр қилиш ва неъматларни Аллоҳ рози бўладиган тўғри йўлларда сарф қилиш билан бўлади.

Аллоҳга бўлган имон ва диндорликдан келиб чиқадиган яхшиликлар ҳаммаси гузал инсоний хислат ва фазилатлар ҳисобланади. Ростгўйлик, ҳалоллик, меҳрибонлик, шижоат, омонат-лик, ихлос каби инсоний фазилатлар доимо мусулмонларни дунё халқлари ичида пешқадам қилиб келган.

Муфтий Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф:

«АҚЛ УЛКАН НЕЪМАТ»



Инсондаги ҳамма яхши хислат-фазилатлар ақл-заковат, идрок-эътиқод ва ихлос-эътиқод билан туғилади. Одамлар ўр-тасида яхшилик, қадр-қиммат, меҳр-оқибат қанчалик мустаҳкам ва барқарор бўлса, турмуш ташвиш-машаққатлари шунча енгиллашиб ҳаёт лаззати, умр қадри ошади. Ҳозирги пайтда, ораимизда меҳр-шафқат бир қадар чекинган шунга алғов қўнларда одамийлик мавзусидаги суҳбатимиз дил ҷанқоғига ором беради деб ниҳат қилдик. Шу мақсадда мухбиримиз Урта Осиё ва Қозғоғистон мусулмонлари диний бошқармасининг раиси, ССЖИ халқ депутати Муфтий Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф ҳазратларидан адеб-ахлоқ мавзусидаги бир неча саволларга жавоб олиб, «Одобнома» руқинига ушбу мақолани тайёрлади.

— Шундай экан, инсон ўз инсонли-гини, ҳаётга нима учун келганини, нима-сида қандай юмуш-вазифалар бор-лигини ва инсонларча умр кечирини кераклигини қай йўсин билиши, бунда ўз умр йўлини қандай ўтказиши ке-рак?

— Ҳа, баракалла! Энди саволнинг эърини бердингиз. Бу савол ҳар бир инсонни ўйлантириши лозим. Бу савол-га ҳамма ўзинча жавоб беради, ҳар хил жавоб бўлади. Чунки ҳамманинг ақли, шароити ҳар хил. Лекин яшаётган Сай-ёралари бир — Ер, ундаги нарсалар ҳам бир ва ҳаммаси инсон учун. Де-мак, мақсадга етгучи йўли ҳам бир бўлиши зарур. Тўғридан бўлиш учун мисол келтирсан, дўхондан бирор на-рса сотиб олсангиз ундан қандоқ фой-даланишни ўргатувчи — китобча-ёрлик ҳам қўшиб берилади. Ушба нарсани аса-ган кишилар ундан фойдаланишни ҳам яхши билишади. Худди шунингдек, борлиқни яратувчи Аллоҳ ҳам унда қандоқ яшаш кераклигини ўз қўллан-маси — Қўрьони карим орқали баён қилган.

— Ҳаётнинг мазмуни — яшаш, яша-ганда ҳам ҳалол ва яхши яшаш. Бунинг учун эса одамда оруз-тилак, бирор қўз-лаган мақсад, яхши ният бўлади. «Яхши ният — ёрти мол» деган ҳикмат ҳам бежиз айтилмаган. Сизнингча, ният амалга ошириш учун инсон қандай саъй-ҳаракат қилиши керак?

— Ҳа, ҳамма нарсаси ниятга боғлиқ. Пайғамбаримиз Мухаммад алайҳисса-ломнинг машҳур ҳадисларида: «Албат-та барча амаллар ниятга боғлиқ. Ҳар бир одам ниятини ният қилишга эри-шади», дейилади. Яхши ният қилган одамга, ўша амални қилган савоби ёзилди, ниятини амалга оширса яна қў-шимча савоб ёзилди. Ниятни амалга ошириш учун эса ишлар керак, ҳара-кат қилиш керак. Исроил ҳаракат дини. Хатто ибодатлар ҳам ҳаракат билан қў-шиб олиб борилади. Намоз, рўза, ҳаж ва бошқалар.

— Соф виждонли одамда эътиқод кучли бўлади. Кишилар ўртасида эъти-қоднинг йўқлиги эса нақадар фожиа-га олиб келганини айни ҳозирги ма-

шарқатли ва оғир куллариимизда бош-дан кечириб турибмиз. Хўш, нималар-га эътиқод қўйиб яшаш чин инсоний-лик бўлади?

— Эътиқод, ақда сўзларининг ўза-ги бир бўлиб туғиш, боғлаш маънола-рини билдиради. Эътиқод ҳам ўз эга-сини аввало Аллоҳ билан боғлаб ту-ради. Аллоҳга эътиқод қилган, яъни боғланган кишидан фақат яхшилик чи-қини маълум. Мазкур эътиқодлар биз-нинг ҳозирги кундан кўра бир неча мар-та оғир куллари бошидан кечирган ки-шиларга ҳам бу оғирлиқларни му-ваффақият билан енгиб чиқилишга сабаб бўлган, ёрдам берган.

— Эътиқод юрак амри билан туғи-лади. Одамларда эътиқод туғайли меҳр-шафқат, қадр-қиммат, нэзат-хурмат ва оқибат хислатлари қандай таркиб топади?

— Эътиқод — имон барча яхши хислатларнинг асосидир. Шу жумла-дан, сиз санаб ўтган хислатларнинг

эмас. «Жаннат оналар оғи остидадир» деган ҳадис шарифдан «Жаннатга кир-моқчи бўлсанг онанинг оғи остида ўзини ҳоким-сорт тутиб розилигини ол» деган маъно тушунилади. Шариат ҳу-ми бўйича Аллоҳнинг ҳукмига эид бўл-маса, фарзанд ота-онанинг ҳеч бир сў-зини қайтаришга ҳақиқ йўқ. Ота-онага озор бериш бир ёқда турсин, ҳатто улар олдида «уф» тортиш ҳам мумкин эмас, чунки улар, боламнинг ташвиши бор шекилли «уф» тортиш, деб бе-зовта бўлишлари мумкин. Ота-онанинг норози қилган киши, икки дунёси қуй-ган шахсдир. Ота-онани фарзанд, ҳатто улар бу дунёдан ўтиб кетганларидан сўнг ҳам ҳурмат қиладилар. Уларни йўқлаб дуолар қиладилар. Бир киши лайғам-бар алайҳиссаломдан «Ота-онани бу дунёдан ўтганларидан сўнг қандоқ ҳур-мат қиламан?» деб сўраганиди. «Улар-нинг дўстларига яхшилик қилиш билан», деб жавоб берганлар. Бошқа бир ҳа-дисда: «Сен ва сенинг молу-дунёнг отангникидир», дейилади. Ҳа, ота-она-нинг ҳақлари ҳаммамизда чексиз кўп-дир, уларнинг хизматларини ҳар қан-ча қилсак ҳам оз.

— Ҳаётимизда баъзан етти ёт беғо-налар у ёқда турсин, ўз ака-ука, опа-сингиллари, қариндош-уруғ, дўст-биро-дарларига оқибатсиз, вафосиз ва та-каббур калондимоғларини учратиб тура-миз. Бундайларни одам дейишга тил ҳам бормайди?

— Сиз ҳар бирга алоҳида китоблар ёзилган мавзўларни биттадан савол қи-либ берасиз. Бир суҳбатда батафсил ёритиш жуда мушкул. Лекин оз бўлса ҳам сўзлаб ўтамиз. Сиз айтганидек, ҳо-зир инсоннинг қадр-қиммати тушиб ке-тиди. Ҳамма нарсаси пароканда бўлган бу жамиятда қадр-қиммат, савоб-гуноҳ, ҳурмат-нэзат деган нарсаси қолмади. Одам зоти қолиб, бу ҳам худонинг маҳлуқи, деб ҳайвонот-ҳашаротларга меҳр-шафқат кўрсатиб ўтган боёноналордан юртида оқ-падарлар, қариндош-уруғнинг нимаги-ни билмайдиган худобозорлар герда-йиб, савлат тўкиб юрадиган бўлиб қол-ди. Қариб, кучдан қолиб, ёрдамга му-ҳтож ота-онани қариялар уйига бериб, улардан йиллаб хабар олмай, айшу-ишрат қилиб юрган бойваччаларни ин-сон деймизми? Ўзлари ишрат қилиб, арақни сувдек симирганлари оқибати-да майиб туғилган фарзандларини ши-фохоналарга бериб қўйиб, хабар олмай юрганларни инсон деймизми? Шундай шифохоналарнинг ҳодимлари кўзда ёш-лари билан, болалар ота-оналарини со-ғинадилар, йиғлайдилар, оқват емай қўядилар, ота-оналарга бориб илтимос қилиб, ўз фарзандларини ахир, бориб икки-уч қошиқ орқат бериб қўйсангиз тузалиб кетди, десак ҳам келишмайди, дейдилар. Ҳатто баъзилар вафот этган фарзандларини кўмишга ҳам қатнаш-мас эканлар. Буларни қайси тил билан инсон деймиз? Ана-укаларнинг уриш-жанжаллари, ҳатто бир-бирларини ўл-диришгача бориб етишадиган. Хул-лас, буларни ўйласанг, яна ҳам ер кў-тариб турибди, дейсан киши. Лекин но-умид бўлмаслик керак, аста-секин айтиб-тушунтириб бориладурса йўлга тушиб кетди ниншоаллоҳ. Янги шароитда ў-лигимизни таниш, ўзимизга қайтиш имкони топилади, шундан унутили фой-даланмоғимиз лозим. Ўйбў суҳбатимиз ҳам мазкур йўлда босилган бир қадам деб ўйлайман.

— Умуман, одоб-ахлоқда ва кўнчили-к ибрат-намуна оладиган чин инсон ру-ҳи оламнинг ва қиёфасини шахсан Сиз қандай тасаввур этасиз? Катта ўза-ринилар юз бераётган ҳозирги даври-мизда Ватанимиз кишиларга қайси хислат-фазилатлар ярашади, деб ўй-лайсиз?


— Мусулмон кишилар ибрат-намуна-ни ўз пайғамбарлари Мухаммад алайҳис-саломдан оладилар. У зот қомил ин-сондирлар. Уларнинг одоб-ахлоқлари Қўрьонда мадҳ этилган. Пайғамбар алайҳиссаломга эргашини учун эса, у кишининг муборак ҳаётларини ва сун-натларини ўрганмоқ зарурдир. Бу бо-рада ҳам баъзи ишлар қилиндики, ал-батта Ҳумранинг таҳсинига сазовор бўл-ди. Жумладан, диний идорамиз томо-нидан Имоми Термизийнинг «Шамонли Мухаммадия» китоби чоп этилди. Қо-зирда бу китобни қириллида билан ҳам чоп қилиш учун ҳаракат жетмоқда. Шу-нингдек, ҳадислардан таржималар чоп этилди ва этилмоқда, булар ҳаммаси шу йўлда силжиш борлигига далолат-дир. Қўрьони каримнинг ҳамма била-диган охири порасини тафсирини ту-гатдим, ҳозир чоп бўлмоқда, бу ҳам катта фойда келтиради деган умидла-миз.

Ўзимизнинг маданий меросимизга мурожаат этсан, ҳақиқий инсоний фа-зилатларнинг батафсил баёнини топа-миз.

Фурсатдан фойдаланиб рўзноманинг барча ўқувчиларига ўзимнинг энг яхши тиллакларини истаб қоламан. Аллоҳ таоло барчаларимизни яхши ниятлари-мизга ёрширтсин.

Суҳбатдош

Тўлқин РАСУЛЕВ.



ССЖИ халқ артисти В. Прат каби таниқли санъат-корлар фаолит кўрсат-моқда.

СУРАТДА: «Қамоқ яқини-да қор» спектаклидан бир кўриниш.

© М. Н. ЕРМОЛОВА но-мидаги Москва театрида қў-йилаётган кўплаб сахна асарлари ҳаётимиздаги дол-зарб масалаларни акс эт-тирмоқда. Айниқса, «Биз-нинг декамрон», «Қатлга тақлиф» ва бошқа спек-таклар томошбинларда катта қизиқиш уйғотди.

Театрда кечайтган ижо-дий жараён ранг-баранг: труппани тўлдирини учун театр илмгоҳлари талаба-лари ва ёш актёрларнинг чиқишини томоша қилиш, бошқа мамлакатлар ижо-дий жамоалари билан ҳам-корлик, чет эл гастролла-ри... Булардан ташқари ўт-ган йилнинг ўзиде Таллин, Перм, Куйбисев, Ленин-град ва бошқа шаҳарларда спектакллар намоиш этил-ди.

Жамоада ССЖИ халқ артисти, ССЖИ Давлат му-кофотининг соҳиби В. Яку,

© БЕЛОРУССИЯ ССЖ. Минскдаги кўп қаватли кор-пусларга жойлашган клиник шифохоналар орасидан жум-хурит болалар гематология марказининг кўрмисизгина биносини дарҳол топиш қи-яйи. Шундай бўлишга қа-рамай бу муассасада даво-ланиб, ўз дардига шифо топаётганлар кўпчилигини ташкил этади. Марказдаги туманлар ҳақида «Нихо» телекўрсатув ва марказий мабуот саҳифаларида тил-га олинди. Кейинги пайт-да муассасага мамлакат-миз ва чет эллардан турли хил жиҳозлар берилди. 1 миллионга яқин маблағ ҳам ўтказилди. Аммо булар бу ердаги тиббий хизматини за-рарли томошбинлар даражаси-га кўтариш учун озлик қила-ди.

СУРАТДА: марказда қа-бул пайти.

СИТА суратлари.



Янгилликлар, воқеалар

НАЗАРИЙ МЕХАНИКАДАН ҚЎЛЛАНМАЛАР

БУГУНГИ КУНДА МЕХАНИ-КА ТЕХНИКА ФАНИНИНГ ЕТАКЧИ ТАРМОҒИГА АЙЛАН-ган. УНИНГ АМАЛИИ ВА НА-ЗАРИЙ АСОСЛАРИНИ ТАД-қиқ этиш борасида ЎЗБЕК ОЛИМЛАРИ ҲАМ САМАРА-ЛИ ИЗЛАНИШЛАР ОЛИБ БОР-МОҚДАЛАР.

Яқинда чоп этилган «На-зарий механика» ўқув қў-ланмаси кўп йиллик илмий меҳнатнинг натижаси ўла-роқ юзага келди. М. Яхёев билан Қ. Муминовлар қала-мига мансуб ушбу китоб на-зарий механикани қисқа ҳажмда ўргатувчи олий тех-ника ўқув юртилари талаба-лари учун яхши совға бўлди. Мазкур наиз муаллифлари атоқли олим И. В. Мей-черскийнинг «Назарий ме-ханикадан масалалар тў-плами»ни ўзбек тилига тар-жима қилишда филол ишти-рок этган эдилар. Юқорида тилига олинган ҳар икки қў-ланма «Ўқитувчи» наш-риети томонидан чоп этилди.

С. ОДИЛОВА.

НОДИР АСАРЛАР ТУРКУМИ

МАШҲУР РУС РАССОМИ И. РЕПИН МОХИР МАНЗАРА-ЧИ МУЙКАЛАМ УСТАСИ СИ-ФАТИДА КЕНГ ТАНИЛГАН. УНИНГ ИКОДИДА ПОРТРЕТ ЖАНРИ ҲАМ АЛОҲИДА ЎРИН ТУТАДИ. ГОЯТ НАФИС БУ АСАРЛАРДА РАССОМ ЎЗ ДАВРИ КИШИЛАРИНИНГ МАЪ-НАВИЙ ОЛАМИНИ КўРСАТИБ БЕГАН ЭДИ.

«Эрик портрети» деб аталган картинаси ҳам санъаткорга шухрат келтир-ди. 1889 йилда афр маҳо-рат билан чизилган ушбу нафис ва жонобали бўлиб чи-қилишда унга дирижёрлик қилган таниқли санъаткор Х. Шамсуддиновнинг хизма-ти катта бўлди. Гап шундаки, бундан чо-рак аср муқаддам бу санъат-кор театр дирижёрлик пуль-тида туриб спектаклни бош-қарган эди. Моҳир санъат-кор яқинда эллик ёшга тўл-ди. Шу муносабат билан «Оқуш қўли» балетининг навобатдан намоишига ди-рижёрлик қилиш унга топ-ширилди. Бу сафар ҳам у ўз маҳоратини ёрқин намоён эта олди.

А. АЛИЕВ.

САЙҚАЛ ТОПГАН СПЕКТАКЛЬ

САХНА ЮЗИНИ КУРГАН ҲАР БИР СПЕКТАКЛЬ ИКОДИЙ ИЗЛАНИШЛАР НАТИЖАСИ УЛАРОҚ ЮЗАГА КЕЛАДИ. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССЖ Давлат ба-лет театри репертуаридан мустаҳкам ўрин олган «Оқ-қуш қўли» балети ҳам бир неча бор сайқал топиб, жо-нобдор сахна асарини инглиз томошбинлар эътиборини ўзига жалб этиб келмоқда. Машҳур классик бастакор Чайковскийнинг мазкур аса-рини яқинда санъат қошонаси саҳнасида муваффақиятли кўрсатилди. Балетнинг гоият

Маҳаллада навоийхонлик

УЛУҒ МУТАФАККИР ШОИР А. НАВОЙИ НОМИ БИЛАН АТАЛУВЧИ БУ МАҲАЛЛА ҲАМЗА НО-ҲИЯСИДА ЖОПЛАШГАН. Шoir таваллудининг 550 йиллигига муносабат таъй-гарлик кўраётган жамоа ху-зурига Х. Сулаймон но-мидаги Қўлемалар илм-

гоҳининг директори, про-фессор А. Қайюмов бошчи-лигидаги бир гуруҳ олим-лар таъриф буюришди.

Маҳалла аҳли ажойиб маъруза ва Навоий газал-ларидан намуналар тинг-лашди.

Ш. САЪДИЕВ.

«Табассум» ва «Бахт» учун—миллион сўм

«Табассум», «Бахт», «На-ваҳор» — таътил вақтида ана шу учта янги кишик пионерлар дам олиш мас-кани Тошкент ва Сирдарё вилояти мактаб ўқувчилари қабул қилди. Бу дам олиш масканларини бунёд этиш, замонавий ускуна-лар ва жиҳозлар сотиб олиш, болалар учун арча байрам-лари ва бепул совғалар та-шиш этиш учун тармоқ ка-саба уюшмалари бюджетла-ридан бир миллион сўмга яқин пул сарфланди.

Шу киш кулларида Ўз-бекистоннинг барча бурча-ларида Янги йил арчалари-нинг чироқлари порлади. Мароқли арчалар намоиш этилмоқда, болалар учун арчалардан намоиш этилмоқда. Болалар кишини таътил кун-ларини қувноқ ва бахтиёр-лик билан ўтказадилар, деб умид қиламиз.

Н. ПОЛТАНЖИ, ЎЛТАГ мукбири.



Шаҳриядаги 99-ўрта йақтабининг барча синфларида мусиқа дарси сама-ралли ўтади. Уни мусиқа дарслиги муал-

лимларидан бири Гулнора Шарипова олиб боради.

СУРАТДА: мусиқа дарсида.

Р. Альбеков сурати.

ИЧКИЛИК—УМР КУШАНДАСИ

Маълумки, шахримиз кўчаларида рўй бераётган кўпгина йўл-транспорт ҳодисаларида ичкилик ичб, машина чамбарагини бошқараётганлар сабаб бўлмоқдалар. Масалан, ўтган йилнинг ўзига 2640 нафар ҳайдовчи спиртли ичкилик ичб, машинани бошқариб бораётганларида Давлат автомобил текшируви ходимлари томонидан ушландилар. Шунингдек, ДАТ ходимлари назоратидан четда қолган 168 нафар ҳайдовчи ширакайф ҳолда машина рулини бошқариб, турли бахтсиз ҳодисаларга сабабчи бўлдилар. Юқорида таъкидлаганимиздек, кўплаб кишилар бевақт оламдан кўз юмдилар ва оғир тан жароҳати олишиб, бир умрга майиб ва мажруҳ бўлиб қолдилар.

Жумладан, ичкилик ичб кўчасида маст ҳолда бошқариб машина рулига ўтирган Турсунов ва Қасимовларга жуда қимматга тушди. Ҳайдовчи Турсунов ўзига қарши «Москва-412» маркали автомобиласини ўйгур

ровардида Турсуновнинг тўрт нафар фарзанди ва «Волга» ҳайдовчиси оғир тан жароҳати олиб, шаҳар касалхонасига ётқизилди.

Ҳайдовчи Қасимов ҳам автомобилни ширакайф ҳолда бошқариб бораётган, бошқариш ҳолатини йўқотиб ва қаршисидан келаётган «Москвич-2137» машинасига «калла қўйди». Шу машина ҳайдовчиси Исмоилов ва унинг воёга етмаган ўрта фарзанди оғир тан жароҳати билан касалхонага ётқизилди.

Афсуски, бундай мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин. Биз истардикки, ҳар бир киши машина бошқаришга киришадиганда бошқарувнинг ва ўзининг ҳаётини ўйлаши керак.

А. АКБАРОВ,
Тошкент шаҳар ДАТ бошқармаси ходими, милиция катта лейтенанти.

Диққат, болалар!

Ўтган йил бошқариб бўлиб шаҳримиз кўчаларида болалар иштироки билан 738 та бахтсиз ҳодиса содир бўлди. Бунинг оқибатида 729 нафар бола қаттиқ жароҳатланди ва 47 таси бевақт оламдан кўз юмди. Бу ҳодисаларда иштирок этган болаларнинг 450 нафари мактаб ўқувчилари бўлиб, 283 нафари мактабга бешдаги гўдақлардир. Биз ана шу ҳодисаларни таҳлил қилар эканмиз, шундай бахтсиз ҳодисаларнинг 477 тасида болаларнинг ўзлари айбдор бўлганини аниқладик.

АЙНИҚСА, ҳозирги киши кўчаларида болаларнинг шўхлиги қилиб, яхмалакли йўлда чана училлари автомобилларнинг кети-га осилишлари ўта хавфлидир. Ана шундай беэмаишлар натижасида кўп бахтсиз ҳодисалар рўй берди. Масалан, 26 декабрь кўни кундуз соат 15.00 да 245-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Қўқоров Дилноза ва Қўқорови Қўчалари кесинган чорраҳада йўловчи автомобил кетига осилиб, натижада йиқилиб, қаттиқ тан жароҳати олиб касалхонага ётқизилган. Шу кўни А.Хўжаев кўчасида 34-мактабнинг 3-синф ўқувчиси Исмоилов ҳам ана шундай «наҳармонлик» кўрсатган.

Афсуски, бундай мисолларни ҳоҳлаганча таъкидлаш мумкин. Лекин бу билан болалар ўртасидаги автомобил ҳалокатидан жароҳатланиш камайиб қолмайди, албатта.

Ўз-ўзидан савол туғилади: — Нима қилиш керак? Биринчи навбатда, фарзандларимизни кўча-кўйда юришини назорат остига олишимиз, аниқ-сакта мактабга бешдаги болаларнинг имкони борича кўчага ёлғиз кўчиб юбормаслигимиз керак. Иккинчидан, мактабга қатнай-диган болаларни ҳар кўни ўқига кузатиб қўйишда албатта кўчада юриш тартиб-ини тайинлаш керак. Учинчидан, мактаб жамоатчилиги ва боғча тарбиячилари ҳам бу иш билан астойдил шугулланишлари лозим.

Болаларга йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиш бўйича Тошкент шаҳар ДАТ бошқармасининг ташкилот ва тарбияот гуруҳи кўмаклашиши мумкин.

Р. МУҲИДИНОВ,
Тошкент шаҳар ДАТ бошқармаси ходими, милиция лейтенанти.

МАШИНА ЯХМАЛАКЛИ ЙЎЛДА



Кишининг аёзли кўчалари транспорт ҳаракати хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатади. Маълумки, шаҳримиз тез ўзарувчи йўл шарафига жойлашган бўлиб, ҳар кўни соат сайин об-ҳаво ўзгариши, ёмғир қорға, қор эса ёмғирга айланиши мумкин.

Кўш нур сочган кўчанинг юзи тез эриб, соя бўлган кўча юзига эса муз қатлами сақланиб қолади. Муз қатлами эриган йўлда тез кетаётган транспорт музлама қопланган йўлга келиб қолиши ва транспортни бошқариб бораётган ҳайдовчинини шошириб қўйиши аниқ. Бундай музламалар ҳайдовчи учун, аниқсиз тажрибасиз ҳайдовчи учун ихтилат хавфлидир. Бундай пайтларда машина эгаси жуда секин ҳаракат қилиши, тормоз тепкисини олдиндан охишта босиши, ушталарини пастга қўйиши керак. Шунинг ёнда тутиш керакини, йўлнинг муз босган жойларини узоқдан пайкаш қилиш. Бу тўсатдан пайдо бўлади. Музламалда эса автомобил ҳайдовчига бўйсунмайди. Бундай пайтда тормоз босиш ўта хавфли. Шиббалашиб қолган ва музлаган қорда ҳам эҳтиёткорликни ошириш керак. Бундай қор босган йўл жуда сирпанчиқ бўлади.

Шу сабабдан Тошкент шаҳар Давлат автомобил текшируви бошқармаси йўл ҳаракати қатнашчиларига қуйидагиларни эслатиб ўтади:

— киши кўчаларида ўта эҳтиёткорлик чорасини кўриб бошқариш тезлигини оширманинг. Йўлга фақат соналган транспорт воситаларида чикингиз.

— муз қопланган йўлларда машинанингиз ушатчилар ёрдамида тўхтатишга ҳаракат қилинг.

— агарда Сиз бошқараётган транспорт воситаси тоғнага, машинанингиз чамбарагини тоғнага тоғнага қараб бурингиз.


Тошкент шаҳар Давлат автомобил текшируви бошқармаси.



Шаҳар кўчаларида киши кўчалари транспорт бошқариш тобора мушкуллашди аниқ. Бундай ҳолларда «Йўл ҳаракати қоидалари» қаттиқ риоя қилиш, оралиқ масофани сақлаш, ҳушёрлигини ошириш лозим. Агар мана шу «Йўл ҳаракати қоидалари» таълимини оқирмай йўл ҳаракати қоидаларига қаттиқ риоя қилганида машинаш шундай пачоқ бўлмас эди. Унинг эҳтиётсизлиги қимматга тушибди.

М. Халилов сурати.

БИЛИМДОНЛАР ДИҚҚАТИГА!



Авалги «Чорраҳа» да «Йўл ҳаракати қоидалари» билимдонлари диққатига 12-тошхоналар қавола этган эди. Маълум тошхоналар юзасидан муштарийлар А. Нурсултонов, Н. Тўлматов, К. Қалдарбеков, Д. Шамаев, Ҳ. Дармиев, М. Махмудов

кати қоидалари» билимдонлари ҳуқуқига навбатдаги, шу йилнинг 1-тошхоналарига қавола етмади.

Қани айтингки, мана шу ерда машина тўхташга мажбур бўлганда авария синалини ёзиши керакми?

1. — керак.

2. — ҳайдовчи ихтиёрига қўра.

3. — йўл, керак эмас.

Жавобларингизни кутамиз. Шунинг учун, «Йўл ҳаракати қоидалари» билимдонларини тўғри жавоблари сонига қараб жюри ҳайати қилиб деб топса, уларга муҳарриратимизда қимматбаҳо сонгалар топширилади.

ВАЗИРЛИКЛАР, МАҲКАМАЛАР, БИРЛАШМАЛАР ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ НАШРИЕТИ

ЖОРИЙ ИЛ ДАВОМИДА
ШАРТНОМА АСОСИДА
КАТТА ТИРАЖЛАРДА
ЎЗ ҚОҶОЗИДАН:

идоравий дафтарлар, ҳисобга олиш дафтарлари, ён дафтарчалар, манзил папкалари, блокнотлар, дафтар ҳолида тикланган босма иш қоғозлари, ёзма қайдлар учун қоғозлар ва бошқа қоғоз молларини

ТАЙЁРЛАБ БЕРИШ ИМКОНИЯТИГА ЭГА

БУЮРТМАЛАР 1991 ЙИЛ 1 ФЕВРАЛГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 33-90-50, 32-56-61.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДУСТЛИГИ САРОИИДА

29, 30, 31 ЯНВАРЬ СОАТ 19.00 ДА
1, 2, 3 ФЕВРАЛЬ СОАТ 16.00 19.30 ДА

ЯНГИ ПРОГРАММА

«ҲАЗИЛ—3»

КУЛГИ ВА ҚУШИҚ КЕЧАСИ

КАТНАШАДИЛАР:

Мирза ХОЛМЕДОВ, Обид АСОМОВ, Вотир МУҲАММАДУЖАЕВ, Собит АСОМОВ, Тўхтамурод АЗИЗОВ ва бошқалар.

САҲНАЛАШТИРУВЧИ РЕЖИССЕР — Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган артист, Ҳамза номидаги Давлат мукофоти лауреати АБДУРАШИД РАҲИМОВ.

Чипталар соат 11.00 дан сотилади. Жамоа буюртмаси қабул қилинади. Телефон 45-85-68.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДУСТЛИГИ САРОИИДА

4, 5, 6 ФЕВРАЛЬ СОАТ 16 ВА 19.30 ДА

«ФАРҶОНА ТАРОНАЛАРИ»

ЯНГИ КОНЦЕРТ ПРОГРАММАСИ

КАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон Ленин комсомоли совриндори, «КАМОЛ» — 90» кўринишнинг солиби

ОХУНЖОН МАДАЛИЕВ,
ва хушновоз хонанда

ҚИЛИЧБЕК ТОЖИЕВ

раққосалар: Гулмира ШИРИНОВА ва Раъно Зокирова. Программани УТКИР СИДИҚОВ олиб боради. Касса соат 11 дан 19.00 гача ишлайди. Телефонлар: 45-92-13, 41-74-30.

Тошкент шаҳар бош қўрилиш идорасининг «ЧОТҚОЛ» САЙЕҲЛИК ФИРМАСИ

СИЗЛАРНИ ҚУЙИДАГИ ЁНАЛИШЛАР БЎЙИЧА

САЕҲАТГА ЧОРЛАЙДИ

САМАРҚАНД. Бир кўнлик саёҳат.

САМАРҚАНД—БУХОРО.

ССЖИ Ички ишлар вазирлигининг дала ҳўзали, «ПОД-МОСКОВЬЕ», март ойнадан бошлаб, АДЛЕР. «Глобус» комплекси (давонаниш билан), 9—28 февраль кўнлири (асаб касалликлари), 11—30 март кўнлири (тайнч аппарати касалликлари, Мацеста ванналари).

ЧИМЕН (бир кўнлик дам олиш, Осма йўл), «ДАГОМИС», Югославия комплекси.

16—26 январь, 26 январь — 6 февраль, 6—16, 16—28 февраль кўнлири, 27 февраль — 9 март, 9—20 март кўнлири, 20—30 март кўнлири.

МОСКВА, 5 кўнга, 12—16 январь, 30—3 февраль, 14—18, 21—25 февраль, 6—10, 21—25 март кўнлири.

МОСКВА. «Измайлово» сайёҳлик комплекси, 6 кўнга, ЛЕНИНГРАД, «Интурист», 5 кўнга, 26—30 январь кўнлири.

КИЕВ, 5 кўнга, 18—23, 21—25 январь кўнлири.

МИНСК, 5 кўнга, 21—25 январь кўнлири.

ОБЬ, ЕНИСЕЙ, ИРТЫШ дарёлари бўйлаб теплоходда. ИССИҚКЎЛ кўлига.

БАЛХАШ кўлига, ёғи мавсумда.

ПОЛЬША. «Интурист» меҳмонхонасида яшалади.

ТАШКИЛОТЛАР, ҚОРҶОНЛАР, ШИРКАТЛАР, НИНГ РАҲБАРЛАРИ

1991 ЙИЛ 10 ЯНВАРДАН ВОШЛАВ 30 ЯНВАРГА ТЎЗИНИ

Манзилмиз: Тошкент шаҳри, Луначарский узуи кўчаси, 42-уй, «Статистика бошқармаси» бекати. Телефон 67-82-82.

«БИР НИГОҲ ТАШЛАГАНДА»

Ўзбекистон экстрасенслар уюшмасининг аъзоси

НИГОҲНИ ТАБИВ

АБДУЛҒАФФОР АБДУЛЛАЕВ

Қўп БЕМОРЛАРНИНГ ХАТ ВА ТАЛАБЛАРИГА АСОСАН

1991 ЙИЛ 10 ЯНВАРДАН ВОШЛАВ 30 ЯНВАРГА ҚАДАР

шанба ва якшанба кўнидан ташқари

ҲАР КЎНИ СОАТ 11.00ДАН 18.00ГАЧА

ҚИБРАЙ ПОСЕЛКАСИ «8-МАРТ» САНАТОРИЙСИДА БЕМОРЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Бунда сиз бош ва бел оғриганда, оёқ ва қўл, жигар ва бўйрак, ошқовоз оғриганда, қичима, нафас сиқиб, тунда сийдик ушлаш билмаслик касалликларига «КЎЗ НУРИ ОРҚАЛИ» биринчи сеансдаёқ таъсир этади, 5—7 сеансдан сўнг дарддан фориг бўласиз! Бизнинг манзилгоҳ: Қибрай посёлкаси, «8-Март» санаторийси.

ССЖИ Алоқа вазирлиги

«МЕЖГОРСВЯЗСТРОЙ» ТРЕСТИ

4-ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ БОШҚАРМАСИ

Станция ускуналарини монтаж қилиш бўйича алоқа монтажчиларини тайёрлайдиган

2 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

Ўрта ва тўлиқсиза ўрта маълумотли қизларни

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқувчиларга ойна 110 сўм ҳажмида стипендия тўланади.

МАШҒУЛОТЛАР — ГУРУҲЛАР ТЎЛИШИГА ҚАРАВ БОШЛАЙДИ.

Қўрларни битирганлар Ўрта Осиё ва Қозғоистон жумҳуриятларидаги алоқа иншоотларига ишга юборилади.

4-қўрилиш-монтаж бошқармасида ётоқхона бор, навбат асосида уй-жой берилади.

Манзилмиз: 700128, Тошкент шаҳри, 128-алоқа бўлими, Усмон Юсулов кўчаси, 70-уй (18, 44, 48, 97-автотўлиқ: 10-тротлейбус: 10, 19, 23, 27-трамвайларининг «Алоқа техникуми» бекати).

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 41-17-23, 41-17-24, 44-08-85.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА

10/Да Ринголетто, 11/Да Севитига севити билан, 12/Да Чино-Чино-Сан (12.00, 19.00).

ХАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

11/Да Хотинлар «Ғапи»дан чиққан хангома (16.00).

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСҚАЛЛИ ТЕАТРИДА

10/Да Дардимни айтман, куласизми?

АВРОР ХИДОЯТОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ДРАМА ТЕАТРИДА

10/Да Майсарнинг иши (16.00, 19.00)

10 ЯНВАРДА

Чайка — «ҚАСОС ЎТИ» (16, 18.30, 21.00);

Тошкент Советининг 50 йиллиги номили — «ОЛИШУВ» (16, 18.20, 20.40).

К. Ерматов номили — «ҚОНХЎР ХУДОЖУЛАР» (тоқ соатларда).

Восток — «КҲН — ФУ ЖАВОҲИРИ» (тоқ соатларда).

11, 12, 13 ЯНВАРДА

Чайка — «ФАРИНТАНИНГ ЮРАГИ» (11, 16, 18.30, 21.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги номили — «ОЛИШУВ» (11, 13, 15, 17, 19.00), «ПОЕЗДДА БОМБА» (21.00).

Москва — «ҚАСОС ЎТИ» (11, 13.30, 16, 18.20, 20.40).

К. Ерматов номили — «109 — БЕКАТЛАРДА ТЎХТАМАЙДИ» (тоқ соатларда).

БЛКЕИнинг 30 йиллиги номили — «ШИНА ЧАНГАЛЗОР ҚИРОЛИЧАСИ» (10, 12, 14.00).

ССЖИ ЭКСТРАСЕНСЛАР УЮШМАСИ

қўл тегизмай уқалаш курсига

олий тиббий маълумотга эга бўлган шифокорларни

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 1 ой.

Ўқиш учун — 350 сўм ҳақ тўланади.

Ўқиш — 1991 йил 10 январьдан ва гуруҳлар тўлишига қараб бошланади.

Манзилмиз: Тошкент шаҳри, Михаил Ан кўчаси, 9-ётоқхона (48, 56, 97-автотўлиқ: 7-тротлейбуснинг «Авиасозлар касалхонаси» бекати).

ТЕХНИК-КАРТОГРАФЛАР ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА

ҚЎШИМЧА

ҚАБУЛ ЎТҚАЗИЛАДИ

Ўқишга Тошкент фуқароси бўлган 17 ва ундан катта ёшли 10-синф маълумотидаги йилит ва қизлар кириш интихонларини, мандат комиссиясида суқбатланиш йўли билан қабул қилинади.

ЎҚИШ — РУС ТИЛИДА.

Ўқувчиларга ойна 70 сўм стипендия берилади.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 11 ОЙ.

Қуйидаги манзилгоҳга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 93-уй, надрлар бўлими (5, 26, 37, 52, 183-автотўлиқ: 2, 3, 13, 28-трамвайларининг «Суи спорти саройи» бекати; 5, 17-тротлейбусларининг «145-мактаб» бекати).

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАНТА ЎҚИТИШ ВА КАСБГА ЁНАЛИШТИРИШ МАРКАЗИ

ҚУЕШДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ ҚУРИЛМАЛАРИ ЗАВОДИГА

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Механиклар, пластмас-са бўйича технологлар, энергетиклар, 5—6 разрядли электриклар, пайвандчилар, рақамли программа билан бошқариладиган дастгоҳлар (станок) хизмат қилиш учун слесарлар, префектура, о-настига, штампилар лойиҳасини чинаш учун конструкторлар.

Мурожаат учун манзилгоҳ: Марказнинг Сергел бўлими — Ўйлош шаҳарча, 2-даҳа, 69-уй.

«Тошкент оқноми» рўномаси тахиринат жамоаси рўномасининг собиқ катта муҳбири А. Пулатова унаси

Хусан

ПУЛАТОВНИНГ нафот етганлиги муносабати билан чуқур тазия наҳор қилади.

ХАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

1991 ЙИЛ ЯНВАР ОИДА НАМОВИШ ҚИЛИНА ДИГАН СПЕКТАКЛЛАРИНИНГ

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

10/Да — ЖАР (19.00).

11/Да — КЕЛИНЛАР ҚЎЗҒОЛОНИ (19.00).

12/Да — ТУМАРИС (19.00).